Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 98 (5689)
27 АПРЕЛЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● **ВАРШАВА, 26 апрель.** Бугун Польша Халқ Республикасининг пойтахтида Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар олий партия ва давлат арбобларининг учрашувида «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 май куни Варшавада имзоланган Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги протокол»ни тантанали имзолаш маросими бўлди.

«Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар олий партия ва давлат арбоблари учрашуви тўғрисида» қўшимча ахборот қабул қилинди.

● **ВАРШАВА, 26 апрель.** Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашувида қатнашиш учун Польша Халқ Республикасининг пойтахтига келган М. С. Горбачев, Г. Гусак, Т. Живков, Я. Кадар, Э. Хонеккер, Н. Чаушеску, В. Ярузельский ўртоқлар, делегацияларнинг бошқа аъзолари бугун Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Польшани озод қилишда 600 мингдан кўпроқ совет жангчиси қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Миннатдор варшаваликлар уларнинг порлоқ хотирасини Ёдгорлик комплексида абадийлаштирганлар. М. С. Горбачев, Г. Гусак, Т. Живков, Я. Кадар, Э. Хонеккер, Н. Чаушеску, В. Ярузельский ўртоқлар, делегацияларнинг бошқа аъзолари комплекснинг гранит обидасига гулчамбарлар қўйишди. Социалистик мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари Эсдалик китобига имзо чекишди.

Делегацияларнинг аъзолари Варшава ҳимоячилари ёдгорлигига — Варшава Ғалаба маъбудасига гуллар қўйишди.

Гулчамбарлар қўйиш чоғида Варшава Шартномаси Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов ҳозир бўлди.

● **НУКУС, 26 апрель.** Бугун Қорақалпоғистон пойтахтида Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали очилди. Шаҳарнинг марказий майдони узра 20 метрли улуғвор монумент қад кўтариб турибди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Ҳайкал муаллифлари — ҳайкалтарош, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР Тасвирий санъат академиясининг академиги Н. В. Томский, архитектор — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати К. Молутов.

● Афғонистон Демократик Республикаси ишчилари, деҳқонлари, ҳунармандлари намояндаларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Улар саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида бўлдилар.

АДР вакиллари халқ депутатлари Советларининг фаолияти, умумий таълим системаси, бепул медицина хизмати системаси билан танишдилар.



Учрашув пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов телефотоси. (ТАСС).

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 май куни Варшавада имзоланган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида

ПРОТОКОЛ

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада қатнашувчи давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси ушбу протоколни имзолашга қарор қилдилар ва қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 май куни Варшавада имзоланган Шартнома келгуси йигирма йил мобайнида ўз кучида қолади. Ушбу муддат тугашидан бир йил аввал Шартномани бекор деб эълон қилиш тўғрисида Польша Халқ Республикасининг ҳукуматига баёнот топширмаган аҳдлашувчи томонлар учун бу Шартнома яна ўн йил мобайнида ўз кучида қолади.

2-модда

Ушбу протокол ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари асраш учун Польша Халқ Республикаси ҳукуматига топширилади.

Протокол сўнгги ратификация ёрлиғи асраш учун топширилган кунда кучга киради. Польша Халқ Республикасининг ҳукумати ҳар бир ратификация ёрлиғи сақлаш учун топширилганидан шартномада қатнашувчи бошқа давлатларни хабардор қилади.

1985 йил 26 апрель куни Варшавада болгар, венгер, немис, поляк, румин, рус ва чех тилларида бир нусхада тузилди, ҳамма текстлар бир хил кучга эга. Ушбу протоколнинг тасдиқланган нусхалари Польша Халқ Республикасининг ҳукумати томонидан протоколнинг аҳдлашувчи бошқа барча томонларига юборилади.

Болгария Халқ Республикаси номидан
Тодор ЖИВКОВ
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси

Венгрия Халқ Республикаси номидан
Янош КАДАР
Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари

Германия Демократик Республикаси номидан
Эрих ХОНЕККЕР
Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси

Польша Халқ Республикаси номидан
Войцех ЯРУЗЕЛЬСКИЙ
Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси

Руминия Социалистик Республикаси номидан
Николае ЧАУШЕСКУ
Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
М. С. ГОРБАЧЕВ
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Густав ГУСАК
Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашуви тўғрисида

АХБОРОТ

1985 йил 26 апрелда Варшавада Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков, делегация бошлиғи; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Гриша Филипов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР мудофаа министри Добри Журов; БКП Марказий Комитетининг секретари Димитр Станишев;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари Янош Кадар, делегация бошлиғи; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар; ВСИП Марказий Комитетининг секретари Матьяш Сюреш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Петер Варкони; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Иштван Олах;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер, делегация бошлиғи; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Герман Аксен; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Гейнц Гофман; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Эгон Кренц; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Гюнтер Миттаг; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Войцех Ярузельский, делегация бошлиғи; ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Генрик Яблоньский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Збигнев Месснер, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри Стефан Ольшовский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР миллий мудофаа министри Флориан Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Николае Чаушеску, делегация бошлиғи; РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Василе Билак; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧССР мудофаа министри Милан Вацлавик қатнашдилар.

Учрашув қатнашчилари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада тузилган Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар ва Шартномани навбатдаги 20 йилга узайтириш ва кейинчалик яна 10 йилга чўзиш тўғрисидаги протоколни имзоладилар. Улар Европа ва жаҳон сиёсатининг актуал проблемалари хусусида фикрлашиб ҳам олдилар.

Учрашувда ўттиз йилдан буён қатнашувчи давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, уларнинг суверенитетини, ҳавфсизлигини ва чегараларининг бузилмаслигини таъминлашга, уларнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини биргаликда ишлаб чиқиб амалга оширишга пухта хизмат қилиб келаётган, Европада ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш ишида буюк роль ўйнаётган Варшава Шартномасининг муҳим аҳамияти таъкидланди.

Вакиллари учрашувда қатнашган давлатлар ҳар томонлама, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашмоқдалар. Улар ҳеч қачон Европани ва дунёни бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий блокларга ажратиш тарафдорлари бўлган эмаслар. Улар ҳозир ҳам ўз иттифоқини ва Шимолий Атлантика блокини айни бир вақтда тарқатиб юбориш, биринчи қадам сифатида эса уларнинг ҳарбий ташкилотларини тарқатиб юбориш тарафдори эканликларини билдирадилар.

Бироқ НАТО ҳарбий блоки мавжуд экан ҳамда Европадаги ва бутун дунёдаги тинчликка хавф сақланиб қолаётган экан, социалистик давлатлар ўз мудофаа иттифоқини мустаҳкамлаб, айни вақтда қуролсизланиш ва тинчлик учун, ҳарбий блокларни бартараф этиш учун курашни кучайтирадилар. Уларнинг Варшава Шартномаси амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги якдил қарори иттифоқчи мамлакатларнинг пухта ҳавфсизлигини, уларнинг халқаро ишларда мустаҳкам баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини таъминлаш зарурлиги тақозоси билан қабул қилинди. Уруш хавфи даражасига асосланиб, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўз коллектив мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаш учун бундан буён ҳам зарур чораларни кўраверадилар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳарбий устунликка эришишга интилмаётганликларини, аммо ўзларидан ҳарбий устунликка ҳам йўл қўймасликларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар энг паст даражадаги қуролар мувозанати таъминланиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Учрашув қатнашчилари инсоният тарихида энг кўп вайронгарчилик келтирган ва энг кўп қон тўкилган уруш—иккинчи жаҳон уруши тугаган кунниг 40 йиллиги арафасида тўпланиб, эрксевар халқларнинг фашизм устидан қозонган Ғалабаси буюк аҳамиятини уқтириб ўтдилар. Ғалаба жуда қимматга тушди. Фашизмни тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган совет халқи, бошқа кўпгина мамлакатларнинг халқлари ғалабага эришиш йўлида ўн миллионлаб кишиларидан жудо бўлдилар. Ҳалок бўлганлар хотираси, ҳозир яшаб турган ва келгусидаги авлодлар олдидаги бурч уруш сабоқларини унутмасликни талаб қилади.

Ҳозирги халқаро вазиятда барча халқлар ва давлатларнинг, сиёсий маслагидан қатъи назар, барча тинчликсевар кучларнинг ғайратҳаракатларини бирлаштириб, дунёнинг ядро ҳалокати сари тойиб боришини тўхтатиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг Коммунистик ва ишчи партиялари, парламентлари ва ҳукуматлари жаҳонни ядро уруши хавфидан халос қилиш, Ерда қуролланиш, аввало, ядро қуролларини бирлан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, қуролсизланишга ўтиш, халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик жараёнини қайтадан бошлаш учун бундан буён ҳам курашаверадилар. Шу мақсадда вакиллари учрашувда қатнашган социалистик мамлакатлар холис ният ва ишончи руҳида бошқа давлатлар бирлан тинч мулоқотни ривожлантиришга, илғи тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб кенг халқаро баҳамжиҳат ҳаракатни йўлга қўйишга тайёрдирлар.

Учрашув дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди, учрашув қатнашчиларининг Европа ва жаҳон сиёсати энг муҳим масалалари хусусидаги қарашлари бирлигини тасдиқлади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши, илгари белгиланганидек, Софияда бўлади ва шу йилнинг кузида ўтказилади. деб аҳдлашилди.

● Ягона сиёсий кун

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ СЎНМАС НУРИ

Буюк Ғалабага бағишлаб 26 апрелда республикада ягона сиёсий кун ўтказилди. Завод ва фабрикаларнинг цехларида, қурилишларда, колхозлар ва совхозлар, муассасалар ва ўқув юртларида, истиқомат жойларидаги ёзги агитация майдончаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, уруш ва меҳнат ветеранлари доклад қилдилар.

Доклад қилган кишилар бундан қирқ йил муқаддам эришилган Ғалабанинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти тўғрисида гапириб, ўзининг ишончли раҳнамоси — Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган кўп миллатли совет халқи ана шу ғалабанинг бош ижодкори бўлганлигини таъкидладилар. Ўзбекистонлик жангчилар жанг майдонларида ўзларини сўнмас шон-шуҳрат билан буркадилар. Шулардан салкам уч юз киши жасурлиги ва мардлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 120 минг киши жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Республиканинг юз минглаб коммунистлари ва комсомоллари, энг яхши ўғил-қизлари Ватан ҳимоясига жўнаб кетдилар, улар ўз жонларини қурбон қилиб, душман йўлини тўсиб қолдилар.

Ўзбекистонликлар ҳарбий хўжаликни ривожлантириш, фронтни қурол-яроғ, ўқ-дори, зарур анжом-аслаҳалар бирлан таъминлаш соҳасида жуда катта меҳнат қилдилар. Ўзбекистон юз минглаб кўчиб келган кишиларга ва болаларга бошпана бериб, уларни озиқ-овқат билан таъминлади. Уруш йилларида республикадаги оналарнинг ватанпарварлиги, қалб саховати алоҳида куч бирлан намоён бўлди. Улар турли миллатга мансуб етим болаларни ўз фарзандларидек оилаларига қабул қилдилар, улар тўғрисида ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилиб, кекса авлодларнинг жанговар ва меҳнат шуҳратига муносиб ворисларни вояга етказдилар.

Ғалаба куни — биз учун энг азиз байрамларнинг биридир. Шу куни республика меҳнаткашлари ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгадилар, фронтчи - жангчиларни, фронтда ва мамлакат ичкарисида ғалабага замин ҳозирлаб, унга эришган, уруш синовларининг ҳаддан ташқари оғир юкини ўз елкасида кўтариб чиққан барча кишиларни шарафлайдилар.

Порлоқ Ғалаба байрами арафасида, дейилди нотиқлар, ҳар бир киши тинчликдан ҳам азизроқ нарса йўқлигини ўткир ҳис этмоқда, аммо унинг учун фидокорона меҳнат бирлан курашиш керак. Советлар мамлакати тинчликка, ядро уруши хавфини бартараф этишга, АҚШ маъмуриятининг айби бирлан кескинлашиб кетган халқаро вазиятни яхшилашга астойдил интилаётганлиги КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларида яна яққол тасдиқланди. Республиканинг барча меҳнаткашлари апрель Пленуми қарорларини баланд руҳ бирлан қутиб олдилар.

Коллективларда бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча мавжуд резервларни ишга тушириш зарурлигига катта эътибор берилди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини янгидан янги меҳнат зафарлари бирлан нишонлашга аҳд қилишган.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Кеча Тошкентда бутун республикамиздаги сингари ягона сиёсий кун бўлиб ўтди. Юзлаб сиёсий докладчилар яқинлашиб келаётган шонли байрам — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар. Уларда ғолиб халқ — совет халқи жасорати ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Тошкент область, шаҳар партия комитетларининг аъзолари, Олий Совет ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари, министрлик ва идоралар, корхона, қурилишларнинг раҳбарлари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, уруш ва меҳнат ветеранлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ҳамиша бўлганидек, ягона сиёсий кунда очиқ, ишчанлик руҳида сўз борди. Раҳбарларга тошкентликларнинг соцнал-иқтисодий ҳаётига доир кўпгина саволлар берилди.

Бўлиб ўтган ягона сиёсий кун тошкентликларнинг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун кўтаринки кайфиятда меҳнат қилаётганликларини ёрқин ифода этди, у КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир кишининг ўз ўрнини белгилаб олишга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

(Совет халқининг Буюк Ғалабасига бағишланган материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

● ЭРТАГА — ЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛАШМОҚДА

Ҳар йили апрель ойининг охирги якшанба куни Жаҳон биродарлашган шаҳарлар куни нишонлаб келинмоқда.

Ҳар йили Тошкент жамоатчилиги ана шу санага бағишланган тантанали йиғилишда қатнашмоқда. Тошкент Осиё, Африка, Европа ва Америкасининг еттита шаҳри билан дўстлик алоқаларини боғлаган. Бу шаҳарлар Патнёла ва Карочи, Тунис ва Триполи, Марокаш, Скопле ва Сиэтлдир. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. МИРСАЙДОВ биродарлашган шаҳарлар билан олиб борилаётган самарали алоқалар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунини нишонлар эканмиз барча биродарлашган шаҳарларга қардошлик саломини йўллаймиз ва уларнинг янги жаҳон уруши хавфига қарши, тинчлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашларида янгиянги муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти билан ҳамкорликда биродарлашган шаҳарлар адресига фото кўргазмалар, ахборот-пропаганда адабиётлари, ҳужжатли фильмлар, кўргазмалар, шу жумладан болалар кўргазмалари, биродарлашган шаҳарлардаги дўстлик бурчакларини безаш учун амалий санъат намуналарини юборди турибди анъанага айланди. Уларнинг адресига «Совет Ўзбекистони» журнали юборилмоқда. Маълумки бу журнал бир неча тилда нашр этилади. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида биродарлашган шаҳарлар билан дўстликка бағишланган бўлим ташкил этилган.

(Давоми 3-бетда).

• ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

БУЮК ҒАЛАБА


№ 4 (25)

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ЖАҲОНШУМУЛ-ТАРИХИЙ ҒАЛАБАГА ЭРИШГАН СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИ, ПАРТИЗАНЛАР ВА ПОДПОЛЬЧИЛАР, МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ ХАЛҚ ХОТИРАСИДА АБАДИЙ САҚЛАНСИН!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).

40

ВАТАНПАРВАР



«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ ҚОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

Ветеран ўгити

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!



Аҳмаджон ҲОЖИБОЕВ, генерал-лейтенант.

Ўз болалигимни ҳаёл кўзгусига соламан. 30-йиллар эди. Тошкентдаги Коминтерн номли 44-мактабда ўқирдим. Ўша йилларда мамлакатимизда социализм қурилмоқда, юртимиз улкан қурилиш майдони эди. Бунёдкорлик, жасорат ва қаҳрамонлик кундалик ҳаёт тарзига айланганди. Радио ва газеталар янги-янги қаҳрамонликлар, меҳнат ютуқлари ҳақида хабар қиларди. Стаханов, Гайдуков, Водопьяновларнинг номи тиллардан тушмасди. Биз, болалар уларга тақлид қилардик. «Чапаев», «Қирувчилар», «Катта ҳаёт» фильмларини завқ ила кўп марта кўрардик. Балки, шунинг учундир «Қароқчи казаклар» ўйини энг севган машғулотимизга айланган эди. Бу ва бошқа ҳарбийлаштирилган ўйинларда биз жисмоний ва ақлий қобилиятимизни синовдан ўтказардик.

Сирасини айтганда, яшаётган давримизнинг ўзи бизда Ватанга чексиз муҳаббатни тарбиялаган эди. Биз, давр фарзандлари ўша мардлик руҳи билан вояга етмоқда эдик. Бу билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, биз, 30-йиллар болалари қаҳрамонликни одатдаги турмуш нормаси деб қабул қилганмиз. Ватан мудофасига тайёргарликни муқаддас вазифа деб тушунганмиз. Ҳарбий кийимдаги киши бизга жасоратнинг жонли тимсоли эди. Ўша даврда ҳарбий бўлишни орзу қилмаган бола йўқ эди, десам янглишмайман.

Шахсан ўзимни ҳарбий соҳага етаклаган ҳам ўша давр нафаси эди. Қиссадан ҳисса шуки, ҳарбий хизматга тайёргарликнинг асоси болаликдан — мактаб курсисидан бошланади. Ватанга муҳаббат туйғуси худди шу даргоҳда мустаҳкамланади. Бу ишда мактаб педагоглар коллективи, комсомол ва пионер ташкилотларининг хизмати каттадир. Болаларга билимдан ташқари эътиқод бобидан ҳам сабоқ бериш муҳимдир. Ҳозирги авлод учун ибрат бўладиган қаҳрамонлар ва жасоратлар кўп. Ўқувчилар шулар мисолида Ватанга муҳаббатни, бурчга садоқатни ўргансалар арзийди.

Мактабда бўлғуси солдат ва офицерлар тарбияланади. «Орлёнок», «Зарница» ҳарбий-спорт ўйинлари завқи ҳам шу мактаб ёшига хосдир. Бошланғич ҳарбий билимлар қанчалик пухта ўзлаштирилса ва ҳарбий-спорт ўйинлари яхши ташкил этилса, солдатларга ҳарбий хизмат вақтида шунча енгил бўлади.

Бугунги армия ва флотимизга ҳар томонлама билимдон, жисмоний бақувват ва маънавий баркамол ёшлар керак. Замон талаби шундай. Ватанимиз мудофааси шуни тақозо этади. Демак, мактабга бу соҳада талаб катта. Зотан биз тарбияланаётган ёшлар Ватан қалқонидир. Уларнинг билими, онги ва кўникмалари юрт мудофааси даражасини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Ҳарбий техникани эгаллаш ва хизматдаги шароитга мослашиш рус тилини яхши билишни тақозо этади. Рус тили ёшларимиз учун бир хазина. Уни пухта ўрганиш керак. Яна шуни таъкидлаб ўтаманки, мактабда ўқитиладиган барча фанларни пухта ўзлаштирмоқ даркор. Чунки бугунги совет солдати ва офицерининг фикр доираси кенг бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бунга техниканинг тобора ўзгариб, такомиллашиб бораётганлигини ҳам қўшиш керак.

Ёшлар маънавий-сиёсий тайёргарликка ҳам катта эътибор билан қарашлари лозим. Дўстлик, ўзаро ёрдам, ирода ва матонат тарбияси мактаб ўқувчиларини катта ҳаётга муносиб кишилар қилиб вояга етказадики, бу ҳол армия хизматида жуда асқотади.

Бир мисол. 1944 йил ёзида Шарқий Пруссияда жанглар бораради. Ротамизда кўпчилик ҳалок бўлиб, атиги эллик киши қолди. Аммо ҳужум давом этиши керак. Бу бутун полкимиз учун зарур эди. Зарур! Атиги бир сўз.Буюк ва ғоят аниқ сўз! Биз ҳужумга кўтарилдик. Солдатлар қатори офицерлар ҳам автомат кўтариб улар билан баб-баробар қўл жангига киришдилар. Белгиланган марра эгалланди.

Қани, ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Зарур дея аҳд қилиб, мушкул вазифани бажара оласизми? Бу ирода ва матонат синови, тайёргарлиги демакдир. 1945 йилда Германия таслим бўлиб Япониянинг Квантун армиясига қарши жангга кирганимизда биз шундай қийин синовдан ўтдик. Асосан ботқоқлик районларда жанг қилишга кўниккан эдик. Манжуриядаги ялангликларда жанг қилишни билмас эдик. Аммо бу зарур эди. Шунинг учун янги майдонга кўникиб, япон самурайларининг додини бердик. Совет солдати нималарга қодир эканлигини намойиш этдик. Менинг ёш, навқирон ўсмир дўстларим! Сизлар ҳадемай совет солдати формасини киясиз. Билинг, совет солдати деган ном жуда ҳам фахрли, унда ота-боболарингиз жасорати мужассам. Сизлар ҳеч улар жасоратининг давомчиларисиз.

Ватан сизлардан шундай жасорат кутади.

Суҳбатни Ҳ. СОДИҚОВ ёзиб олди.

Фронт газеталари саҳифаларидан

Рота ҒАРБГА ЙЎЛ ОЛДИ

Старший лейтенант Усмонжон Ҳайдаров роталари уч кеча-кундуз тинимсиз душманни қувиб кетди. Ротадаги ҳар бир жангчи ва офицернинг қалбида душманга ғазаб ва нафрат ўти шу қадар кучли аланга олгандики, улар дам олиш у ёқда турсин, ҳатто овқатланишни ҳам унутган эдилар. Жангчилар орқасидан аравада бораётган суюқ-қуюқ овқатлар бир неча бор иситилди, лекин яна совуб қолди. Баҳорги ёғингарчилик, лойгарчилик, йўлсизлик натижасида туғилган қийинчиликларни рота мардлик билан енгиб ўтди.

Уч кеча-ю, уч кундуздан кейин командир, қолган кучлар етиб келгунча, дам олишга қарор қилди. Рота Львовга борадиган катта йўл ёқасидан марра эгаллади. Жанговар қўриқчилар қўйилди, разведкага кишилар юборилди. Жангчи ва офицерлар энди бир тишламдан нон, бир бурдадан консерва гўштини оғизга солганларида, разведка хабар келтирди: душман мададга келган танклар ёрдами билан қарши ҳужумга тайёрланаётир. Командир Ҳайдаров жангга тайёрланишга буйруқ берди. Ҳамма бўлимларда қуроллар кўздан кечирилди, автоматларга янги дисклар ўрнатилди, гранаталар тайёрланди.

Командир кузатиб турди. Сал вақтдан кейин рўпарадаги қишлоқдан бир гала немиснинг чиқиб келаётгани кўринди. Командир ҳам, жангчилар ҳам вазминлик билан пойлаб тура бердилар. Гитлерчилар 300 кишига яқин эди. Улар етти танк ҳимояси остида писиб келмоқда эди. Ора уч юз метрча қолганда, командир мўлжаллаб отишга буйруқ берди. Автомат ва қўл пулемётлардан ўт очилди. Унг ва чап томонларда турган иккита «Максим» фашистлар устига дўлдек ўқ ёғдирди. 50 дан ортиқ фриц ер тишлади. Лекин танклар бостириб кела берди. Бир «Тигр» ефрейтор Нормурод Исомов окопи устига бостириб келди ва окоп устини анча эзғилагандан кейин орқага ўтиб кетди. Командирдан тортиб жангчиларгача Исомовни танк эзиб ташлади деб, ўйлашган эди. Лекин танк ўтиши билан Исомов, ёнидаги окопдан туриб, унга граната ирғитди. Танк дарҳол ўт олди. Фашист танкчилари люкдан чиқиб қочмоқчи бўлганда, Исомов автоматдан ўқ узиб, уларни ер тишлатди. Командир Исомовнинг бу маҳоратига қойил қолди. Чунки танк бостириб келаётганида Исомов илгаридан тайёрлаб қўйган запас окопга ўтиб олган эди.

Немисларнинг қарши ҳужуми барбод бўлди. Улар жанг майдонида 100 дан ортиқ ўлик ва икки ёнган танкини қолдириб, ўз марраларига чекиндилар.

Шу пайт қисмнинг бошқа бўлинмалари ҳам етиб келди. Старший лейтенант Ҳайдаровнинг олдига қисм командири — генерал келди. Баҳодир совет офицери генералга рапорт берди, ротанинг уч кунлик жанговар ишларидан доклад қилди. Генерал Усмонжонни қучоқлаб, бағрига босди ва пешонасидан ўпди.

Шу куннинг ўзидаёқ жанг майдонида ротанинг кўп жангчи ва офицерлари ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланди. Рота командири Ҳайдаровнинг кўкрагига генерал ўз қўли билан Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди. Узбек йигити ефрейтор Исомов II даража Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

Орденли майор Рустам АБДУРАҲМОНОВ. Ҳаракатдаги армия. 1944 йил 21 май.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АФҒОНИСТОНДАГИ АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА



Афғонистон Демократик Республикасининг пойтахти —Кобул шаҳри кейинги йилларда беқиёс гўзаллашди. Шаҳарда кўркам хиёбонлар, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Кўп йилларга мўлжалланган Кобулни ривожлантириш планн изчиллик билан амалга ошириляпти. Бу планга мувофиқ саноат корхоналари шаҳар чеккасига чиқарилиб, замонавий турар жой кварталлари бунёд этилади.

СУРАТДА: Кобул шаҳрининг бугунги кўриниши.

Афғонистон янгиликлари

Демократик Афғонистонда ер-сув ислоҳоти амалга оширилмоқда. Бахтар агентлигининг хабар беришича, Бадахшон вилоятида яшовчи кам ерли ва ерсиз яна 120 та деҳқон оиласи ер участкаларига эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатни олди.

Афғонистон Халқ Демократик партияси ва АДР ҳукумати Афғонистон қишлоқларини ривожлантиришнинг прогрессив иқтисодий ва социал программасини бундан буён ҳам амалга ошираверади, деди митингда АХДП Марказий Комитети экономика бўлимининг мудири Одина Сангин. У ислоҳот чоғида ҳозирнинг ўзидаёқ 300 мингдан ортиқ деҳқон ер олганлигини айтди.

* * *

Кобул университетида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган китоб кўргазмаси очилди. Улуғ Ватан урушида совет халқининг жасоратини ва урушдан кейинги даврда социалистик мамлакатлар эришган муваффақиятларни акс эттирувчи бадиий асарлар, фотосуратлар ва альбомлар кўргазмага қўйилган.

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг пропаганда, агитация ва таълим бўлими мудири А. Испангар кўргазмани очиш вақтида нутқ сўзлаб, фашизмни тор-мор қилган Совет Иттифоқи инсонпарварлиги, шу жумладан афғон халқини ҳам фашистлар вабоси ва асоратидан қутқариб олди, деди. СССР ҳозир ҳам тинчлик ва тараққиёт барча кучларининг таянчидир, деб уқтирди у.

* * *

АДР санъат ходимлари союзи Демократик Афғонистонда санъатни ривожлантириш ва пропаганда қилиш ишида катта муваффақиятларга эришди. 1980 йил сентябрида ташкил этилган союз ҳозирги вақтда ўз сафларида уч мингдан кўп кишини — рассомлар, ҳайкалтарошлар, театр ходимларини, кинематографчиларни, драматургларни ва бошқа кўплаб санъат арбобларини бирлаштирган.

Ана шу ижодий ташкилот аъзолари ёш авлодни тарбиялашга катта аҳамият бермоқдалар, уларнинг истеъдоди ва бадиий қобилиятини ҳар жиҳатдан рағбатлантирмоқдал а р, турли семинарлар, конференциялар ўтказмоқдалар, Афғонистонда кўп миллатли халқ санъатининг тарихи, қарор топиши ва ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи журналлар нашр этмоқдалар.

АДР санъат ходимлари союзи социалистик мамлакатларнинг ижодий ташкилотлари ва биринчи навбатда, совет ҳамкасблари билан қалин алоқа боғлаб турибди.

* * *

Афғонистон пойтахти кун сайин кўркамлашмоқда. Эски гувала кулбалар ўрнида замонавий уй-жойлар ва маъмурий бинолар қад кўтариб, кенг магистрал кўчалар ётқизилмоқда, боғлар ва хиёбонлар бунёд этилмоқда. Ҳозирги вақтда Биби Меҳру тепалигида янги парк барпо этилмоқда. Ана шу жойдан шаҳарнинг ажойиб манзараси намоён бўлади. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ салкам 10 минг туп дарахт кўчати ўтқазилди, гулзорлар ва хиёбонлар вужудга келтирилмоқда. Янги паркда сузиш ҳавзаси, салқин ичимликлар сотиладиган павильонлар меҳнаткашларга хизмат кўрсатади, болалар учун аттракционлар ва спорт майдончалари бўлган махсус шаҳарча барпо этилмоқда.

Қобул аҳолиси янги паркни бунёд этишда фаол қатнашмоқда. Бир неча дам олиш куни сурункасига минглаб кишилар жонжон шаҳарни ободонлаштиришда ёрдам бериш учун Биби Меҳру тепалигига келмоқдалар.

ФАРЗАНД ЎЗ ОТАСИ ҲАҚИДА

МАНГУ ХОТИРА

Биз эрксевар халқимизнинг Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалабасининг 40 йиллигини зўр ғурур билан нишонлаяпмиз. Бу Ғалаба осонликча қўлга киритилмаган. Мамлакатимизда ҳеч бир оила йўқки, уруш даҳшатларини, ташвишларини бошдан кечирмаган бўлсин.

Мен ветеранларнинг ҳикояларини тинглаганимда, уруш ҳақидаги фильмларни кўрганимда ўзим учун энг азиз инсон— отам, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдусамиғ Солиҳовнинг жанг хотиралари кўз олдимда намоён бўлади. Зеро, менинг отам ҳам Ватаннинг жасоратли ўғлонлари сафида Орёл, Брянск атрофларида, Десна дарёси соҳилларида бўлган аёвсиз жангларда қатнашиб, фашист-босқинчиларга қарши курашган. Ҳукуматимиз томонидан берилган бир нечта орден ва медаллар унинг Ватан истиқболи учун мардларча жанг қилганлигидан далолат беради. У даҳшатли жанглардан бирида оғир ярадор бўлиб, бир қўлидан айрилади, иккинчи группа инвалиди бўлиб туғилган юртига қайтади.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари тинч қурилиш йилларида ҳам Ватанимизни гуллаб-яшнатиш, равнақ топтириш ва халқимизнинг фаровонлигини ошириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Менинг отам ҳам эл-юрт ташвиши билан яшаганлиги, сидқидилдан меҳнат қилганлиги билан ғоят фахрланаман. Бу азиз инсон маҳаллада, ёру-дўстлар даврасида катта обрўга эга бўлиб, олти фарзанд ва ўндан ортиқ набирасининг эъзозида эдилар. Унинг сўнмас хотираси қалбларимиздан абадий жой олган.

Мен бир уруш қатнашчисининг фарзанди сифатида отамнинг қуролдош сафдошлари — машаққатли кунларни бошдан кечирган Улуғ Ватан уруши ветеранларига қўлим кўксимда таъзим қилгим келади. Сиз эл севган, эл ардоғидаги кишиларсиз — Улуғ Ватан уруши ветеранлари!

Баҳром СОЛИҲОВ.

ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Вақт ўтиши билан сарғайиб қолган бу суратда солдат кийимидаги йигит тасвирланган. Бу — марҳум Совет Иттифоқи Қаҳрамони оддий солдат Тўйчи Эрймғитовдир. Тўйчи Александр Матросов жасоратини такрорлаган ўн бир нафар ўзбекистонлик жангчилардан бириди р. Иккинчи фотосуратда шахтёр каскасини кийиб олган олти нафар ўзбек қизи акс эттирилган. Улар 1942 йилда Англрен конида дастлабки кўмир қазиб чиқарган эдилар.

Ана шу икки сурат Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган фотоэкспозициясининг асосий мавзуларини белгилаб бераётгандек кўзга ташланади. Экспозиция совет халқи қозонган шонли Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бўлиб, ўзбекистонликларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар ва меҳнат жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазма етти бўлимининг ҳаммаси ўзбек халқи ўзбекистонлик жангчиларга йўллаган мактубининг жозибали сатрлари билан йўғрилган. Экспозициядаги тўрт юздан кўпроқ фотосурат ҳалок бўлганлар учун муқаддас ёдгорлик, Буюк Ғалаба кунини яқинлаштирганлар хотирасини ҳурматлаш ва уларга билдирилган миннатдорчиликдир.

Фронтчи ветеранлар «Ўзбекистонликларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси» экспозицияси биринчи бўлиб бориб кўрдилар.

ВЕТЕРАН ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда Собир Раҳимов районидаги Шастри номли 24-ўрта мактабда район кутубхоначиларининг Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган семинар-кенгаши ўтказилди. Қатнашчилар тарихий ғалабага бағишланган дарсларда иштирок этишди. Шундан кейин мактабда тантанали кеча бўлди. Ўқувчилар ёд олган шеърларини ўқиб беришди. Уларнинг ҳузурига истеъфодаги гвардиячи капитан Раҳим Расулов меҳмон бўлиб келди. У ўқувчилар ва семинар қатнашчиларига ўз бошидан кечирган жанг воқеаларини сўзлаб берди.

Раҳим Расулов иккинчи ва учинчи Украина фронтларида жанг қилган. Мамлакатимиздаги жуда кўп шаҳарлар, шунингдек Будапешт ва Вена шаҳарларини фашист босқинчиларн асоратидан озод қилишда иштирок этган. Днепр дарёсини кечиб ўтиш вақтида танк батареясига командирлик қилган. Шу ерда кўрсатган жасорати учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Семинар қатнашчиларн ва ўқувчилар унинг ҳикоясини мароқ билан тинглашди.

СУРАТДА: истеъфодаги гвардиячи капитан Р. Расулов ўқувчилар даврасида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.



ЁШЛАРНИНГ МОСКВА ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина миллий тайёргарлик комитети ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган XII Жаҳон фестивалига актив тайёргарлик ишлари олиб бормоқда. Комитет составига ёшлар, студентлар, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари киради. Ҳозир мамлакатнинг 20 та энг катта шаҳрида вилоят тайёргарлик комитетларини тузиш ниҳоясига етказилмоқда. Ўрта ва олий ўқув юртларида, касаба союз ва жамоат ташкилотларида халқаро ёшлар ҳаракатининг тарихи, ёшлар фестивалларининг мақсадлари ва вазифалари ҳақида лекциялар ўқилмоқда.

Миллий тайёргарлик комитети аргентиналик ёшларни Москва халқаро анжуманн бошлангунга қадар унга тайёргарликни активлаштиришга даъват этди. Комитет қабул қилган хитобномада уқтириб ўтилганидек, Аргентина ёшлари Москвада бошқа мамлакатларнинг вакиллари билан биргаликда ривожланаётган мамлакатлардаги аҳволни издан чиқараётган ҳамда очлик, қашшоқлик ва ишсизликка сабаб бўлаётган ғаламислик сиёсатини, империализмнинг қуролланиш пойгаси оғирлигини бошқа давлатларга ағдаришга уринишларини қоралайдилар. Аргентиналик йигит ва қизлар Чили, Парагвай ва Сальвадорнинг ўз миллий озодлиги учун курашаётган халқлари билан бирдам эканликларини тасдиқлаб, АҚШга ёлланган кимсаларнинг агрессиясини деф этаётган қардош Никарагуа халқини қўллаб-қувватлашларини айтмоқдалар.

Москва фестивали планета ёшларининг ҳаётида шубҳасиз муҳим воқеа бўлиб қолади, дейилади хитобномада. Аргентина ёшларининг фестивалга тайёргарликда актив иштирок этиши, дейилади хитобномада, йигит ва қизларнинг демократия, социал адолат ва миллий озодлик учун, империализмга қарши курашиш муддаосининг ифодаси бўлади.

САМИМИЙ ЭЪТИРОФ

ДЕҲЛИ. Немис-фашист босқинчиларни ва уларнинг иттифоқчиларини тор-мор қилишда урушнинг бутун оғирлигини ўз зиммасига олган айни Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли кучлари ҳал қилувчи роль ўйнади, — деб ёзади Ҳиндистон ҳукуматининг фикрини ифодаловчи «Нэшнл Геральд» газетаси «Фашизмни тор-мор этишда СССРнинг ҳал қилувчи роли» деган мақоласида. — Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона тугашига СССР қўшган ҳисса АҚШ ва Англия хизматидан анча каттадир.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди газета, жаҳонга ҳукмронлик қилишга интилган гитлерчи ғалаларнинг йўлида асосий тўсиқ бўлди. Совет Қуролли кучлари узоқ вақт давомида душманнинг устун кучларига қарши яккама-якка жанг қилдилар. Нацист босқинчилар айни шу даврда, Европада иккинчи фронт очилишидан анча олдин энг катта мағлубиятга учрадилар, улар шу мағлубиятдан кейин ўзларига келолмадилар.

БРНОДАГИ ЯРМАРКАДА

БРАТИСЛАВА. Чехословакиянинг Брно шаҳрида ўз ишини тамомлаган кенг истеъмол моллари XVI халқаро ярмаркаси халқ учун моллар ишлаб чиқаришда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда социалистик ҳамдўстлик давлатлари эришган ютуқларининг ёркин намойиши бўлди. «Спорт, туризм, бўш вақт» шиори остида ўтган кўрикда жаҳондаги 33 мамлакат фирмалари ва бирлашмалари иштирок этди.

Брнодаги ярмаркани мамлакатнинг барча томонларидан ва чет эллардан 100 мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди. Выставканинг чет эллик энг катта экспонати бўлган СССР экспозицияси зўр қизиқиш уйғотди. 10 та етакчи совет ташқи савдо бирлашмаси саноатнинг спорт кийим-кечаклари ва пойафзал, маиший радиотехника, велосипед ва мотоцикл, мебель ва музика асбоблари ишлаб чиқараётган турли тармоқлари эришган муваффақиятларни намойиш қилди.

Ярмарка ишлаб турган кунларда кўплаб семинарлар ва мутахассисларнинг учрашувлари ташкил этилди, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида музокаралар олиб борилди. СССР билан ЧССРнинг ташқи савдо ташкилотлари ўртасида Совет Иттифоқига 1,1 миллиард кроналикдан ортиқ мебель гарнитурлари ва чарм-галантерея моллари етказиб беришни кўзда тутувчи энг йирик шартномалардан бири имзоланди.

• *Жангчи ён дафтаридан*

Галина–Малина

1942 йилнинг ёз фаслида Калинин фронтида Ржев шаҳри учун кечаю-кундуз қирғин жанг борарди. Жанггоҳда бизнинг полкимиз ҳам бутун кучини ишга солиб, фашистлар билан юзма-юз олишарди. Сон-саноқсиз замбаракларнинг гумбурлашидан, бомба, снарядларнинг портлашидан ер юзи ҳудди барабандек титрарди.

Соатлаб чўзилган қирғиндан кейин, ниҳоят, сув тўғони бузилди — қўшинларимиз душман мудофаасини ўпириб олға юриб кетди. Лекин, аламзада фашистлар чекинаётиб, самолётларидан бомба ёғдириб, ҳарбий кучларимизга талофат етказмоқда эди. Мен ана шундай ғалаёнли дамда бомба парчаси тегиб яраландим.

Бир вақт ўзимга келиб кўзимни очсам, ёнимда плашч ёпинган ҳамшира қиз ўтирибди. «Қўрқма солдат, қўрқма, сен тириксан, ўлмайсан» — дея дока-бинтни пешонамдан айлантириб ўраб ташлади. Кейин оёғимни...

Қизнинг кўнгилчанглиги, меҳрибонлигидан кўм-кўк кўзлари жиқ ёшга тўлган эди.

Юрагим куйиб, томоғим қақраб, лабларим қовжираб кетяпти. «Синглим, сув.» — дедим зўрға пичирлаб.

— Сувдонимда бир томчи ҳам қолмагандия, солдатингам, бир пас сабр қил, топилиб қолар, — деди у қаттиқ ўкиниб.

Энди у мени қандай бўлмасин, четга олиб чиқди, санитария аравасига ётқизиш ташвишига тушиб қолди. Бирор ҳамширани кўмакка чақирай деса, улар анча нарида ярадорлар билан овора. У ошиғич-равишда елкасидан плашчини олиб ерга ёзди. Мени авайлаб унга ётқизмоқчи эди яраларимнинг қаттиқ оғригидан инграб плашчга ўтдим. Ҳамшира эса, плашчнинг икки учидан ушлаб мени судраб кетди. «Дадил бўл солдат, дадил бўл» — тайинларди у. Бояқиш қора терга тушиб кетди. Бир маҳал, яқин орадаги ўрмон ёқасига етиб келдик. Юрагим баттар ўртанарди. «Сув-сув» дейман пичирлаб.

— Ҳозир, ҳозир жонгинам, — дедию у югуриб ўрмон ичига кириб кетди. Кўп ўтмай, пилоткасида малина келтирди. «Мана, сув эмас, шифобахш шарбат олиб келдим» деб қипқизил пишган малинадан менга битта-битта едира бошлади. Лоф эмас, ўша шифобахш неъматнинг лаззатли таъми ҳанузгача оғзимдан кетмайди. Юрагимни ўртаётган ташналик пасайиб, танамга жон кирди. Шунда ҳамширанинг мовий кўзларига тикилиб сўрадим:

— Минг раҳмат сенга. Исминг нима?

— Галина.

— Галина, энди мен исмингни Галина-Малина, деб атасам майлими?

Майли, атай қол, мен хурсандман, — деди у марварид тишларини кўрсатиб.

Ярадорларни ортиб санитария араваси келиб қолди. Мени ҳам госпиталга жўнатишди. Арава қўзғалганида Галина-Малинанинг хайрлашиб узатган қўлини маҳкам қисиб, «Умрбод сени унутмайман» дедим...

Соғайиб, яна ўз қисмимга қайтиб келдим. Қаттиқ жанг бўлаётган маҳалда бир ярадор солдатнинг ярасини боғлаётган чоғида Галина-Малинанинг ўзига ҳам ўқ тегиб ҳалок бўлганини эшитдим. Эшитдиму, 1944 йилнинг кузида ҳеч кимга билдирмай йиғладим...

Орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳануз ёдимдасан, Галина-Малина. Сен тириксан. Сен қанчалаб солдат ва офицерларни, жумладан, мени ҳам, бевақт ўлим чангалидан қутқариб қолгансан.

К. МУҲАМЕДОВ, Улуғ Ватан урушн ветерани.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

27 АПРЕЛЬ, 1985 й.

Эртага—Жаҳон бирoдарлашган шаҳарлар куни

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛАШМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Шукрулла Раҳматович, кейинги йилларда бирoдарлашган шаҳарлардан кўплаб меҳмонлар Тошкентда меҳмон бўлишди, ўз навбатида эса Ўзбекистон пойтахтининг активлари дўстларимиз ҳузурига боришди. Ана шу алоқаларни шарҳлаб берсангиз.

— Куни кечагина Тошкент билан бирoдарлашган Марокаш шаҳрида Совет маданияти ҳафталиги ўтказилди. Марокашликлар — турли касб эгалари республикамиз вакилларини самимий ва дўстона кутиб олдилар. Бу ерда «Совет Ўзбекистони СССР халқларининг қардошлик ойласида» кўргазмаси очилди. Бу кўргазма диёримизнинг тарихи, унинг совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган ғалабасига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда яна бир нарсани мамнунлик билан айтиш лозимки, Марокашда Тошкент номли майдон ташкил этилди.

1984 йилнинг март ойида Скопле делегацияси Тошкентда бўлди. У «Санъат байрами» маросимида қатнашди. Македония Социалистик Республикасида Ўзбекистон ССР маданият кунлари, шундан кейин Совет Ўзбекистонида эса македониялик дўстларимиз маросими катта муваффақият билан ўтди. Ана шу байрамлар доирасида ижодий ходимларнинг жамоатчилик билан учрашувлари ташкил этилди. Бу маросимлар оммавий тус олиб аҳолининг кенг қатламини қамраб олди, ўзаро тушунча ва дўстлик ишига хизмат қилади.

Совет —Тунис дўстлиги кунлари Москвада, шундан кейин Ўзбекистонда ўтказилди. Дўст мамлакатнинг кўргазмалари, этнография ансамбллари концерти муваффақият билан намойиш этилди.

Тунис жамоатчилиги делегацияси бошлиғи, социалистик дастур-партияси Сиёсий бюроси аъзоси, Тунис шаҳри мэри Закариё Бин Мустафо совет диёрида бўлган учрашувлар иккала мамлакат халқлари дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда қўйилган яна бир ҳайрли қадам, деб таърифлади. Тунис халқи Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини юксак баҳоламоқда.

Ўз навбатида Тошкент делегацияси Тунисда меҳмон бўлди. Делегация турли касб эгалари — артистлар, олимлар, ишчилар, қурувчилар, врачлар архитекторлардан иборат эди. Делегация кўпгина шаҳарларга зиёрат қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини бориб кўриш, кўргазмалар очилиш маросимида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Тошкентликлар икки минг йиллик шаҳримиз ҳақида ҳикоя қилувчи фото кўргазма, ҳужжатли фильмлар, ўзбек халқ музикаси ёзилган граммпластинкалар, халқ бадиий ҳунармандчилиги усталари буюмларини совға этиб топширдилар.

Бирoдарлашган Сиэтл билан яхши дўстона алоқалар ўрнатилган. Делегациямиз бу шаҳарда бир неча марта меҳмон бўлди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Америкадаги Сиэтл шаҳрининг вакиллари шаҳар мэри Чарльз Ройер бошчилигида Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлдилар. Улар шаҳримиз ҳаёти билан атрофлича танишдилар. Шредер номидаги бирлашма, музейлар, мактаблар ва болалар боғчаларини бориб кўришди. Чарльз Ройер Тошкентдан олган таассуротлари тўғрисида шаҳримиз журналистларига ҳикоя қилиб берди.

Яқинда биз шаҳар мэридан мактуб олдик. Унда Сиэтлнинг барча аҳолиси Сиэтл делегациясининг Тошкентга сафари тўғрисидаги телевизион кўрсатувни катта қизиқиш билан томоша қилганликлари маълум қилинади. Кўпгина америкаликлар мана шу кўрсатув туфайли Ўзбекистонга келиш нотагини билдирганлар. Иил сайин мустаҳкамланиб бораётган бирoдарлашган шаҳарлар дўстлик алоқалари ҳақида кўп гапириш мумкин.

— Бу йил бирoдарлашган шаҳарларга қандай сафарлар ўтказилади ва учрашувлар ташкил этилади?

— Тадбирлар кўпгина. Махсус туристик группанинг Сиэтлга бориши кутилмоқда. Тошкент шаҳар партия комитети ва ижроия комитети делегацияси Скоплега йўл олади. Тошкентга эса Ўзбекистонда Скопле шаҳри кунлари қатнашчилари ва болалар делегацияси, Триполи делегацияси келиши кутилмоқда.

Улардан ташқари шу йилнинг бошларида Сиэтл ёшлари группаси, февраль ойида эса Македония коммунистлар Союзи Скопле шаҳар комитети раиси Петер Караянов бошчилигидаги Македония коммунистлар союзи делегацияси меҳмон бўлди. Яқиндагина Ўзбекистонда Португалия кунлари ниҳоясига етди.

Самарали алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Чинакам байрамларга айланиб бораётган маданият кунларини ўтказиш яхши анъанага айланмоқда ва булар алоқаларимиз кенг давра олаётганлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев ташқи сиёсат соҳасида бизнинг тутган йўлимиз равшан ва изчил, деб таъкидлаб ўтди. Бу тинчлик ва тараққиёт йўлидир.

Бирoдарлашган шаҳарлар ҳаракатининг мақсади халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро тушунчани, ер курраси тинчлик учун курашни мустаҳкамлаш, турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат. Биз учун ер курраси тинчлик чексиз муқаддасдир.

* * *

СУРАТДА: сиэтллик меҳмонларнинг Тошкентда бўлиши акс эттирилган.

Александр ЧАКОВСКИЙ

40

ТУГАЛЛАНМАГАН ПОРТРЕТ

РОМАНДАН БОБЛАР

—19—

Аммо шу заҳотиёқ хаёлига ташвишли ўй келди:

Сталин ҳозир «ленд-лиз» шартномаси бўйича олган мажбуриятларимизни ҳамиша ҳам бажармаётганимизни сўраб қолмасмикан! Ахир ўзим шунга ишора қилдим-ку...» Шу боисдан у мавзуни бошқа «ўзан»га бурди: — Маршал жаноблари, мажлисларни ана шу саройда ўтказишга қарор қилинганини учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Протоколга риоя қиладиган бўлсак ҳар учала резиденцияда мажлисларни навбатма-навбат ўтказишимиз керак эди-ку. Мен бунга ёлғиз ногирон бўлганлиги асосий сабаблигини тушуниб турибман. Аммо ҳар қалай...

— Бу масалада асосий омил, жаноби президент, сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиздир, — деди президентнинг сўзини бўлиб Сталин. — Сиз Техронда иттифоқчиларнинг биринчи йўлида чеккан меҳнатингиз бизнинг ёдимизда... Халқда бир мақол бор: «Бўрининг қулоғи-ю оёғи овда дейишади». Одамзодга эса ақлидрок ва юрак фармонбардордир.

Павлов Сталиннинг сўзларини, Болен эса президентнинг калимасини таржима қилишди.

Суҳбат ҳазил-мутойба билан бошланди, шу боисдан ҳам Рузвельт Япония билан уруш масаласига гавни буришни ноўрин деб ўйлади. Суҳбат ипакдек эшилиб табиий равишда ана шу масалага келиб тақалса қанн эндн.

— Фронтда аҳвол қалай, Маршал! — деб сўрадн президент. Ва яна қўшиб қўйди: — «Кунинси» кемасида мен Қизил Армия Берлинга Макартур Манилага киришидан илгари қадам қўядн деб гаров ўйнадим.

— Черчилль биландир,— сўради Сталин,— тагдор кулиб қўяр экан.

«Нега энди Черчилль билан!»

—21—

Кутилмаган луқмадан бир қадар ҳижолат чеккан Рузвельт шундай деб сўрашга сал қолди. Албатта, бу луқмада пинҳоний бир ишора бор эди. Черчилль Берлинга биринчи бўлиб киришни кўнглига тугиб қўйган эди. Сталин Рузвельтнн ноқулай аҳволдан ўзи чиқарди. Саволи ёдидан кўтарилгандай, сўзида давом этди:

— Жаноб президент, гаровда бой бериб қўймасангиз, деб қўрқаман. Бизнинг қўшинларимиз бир қанча участкаларда Одер дарёсини кесиб ўтиб, сувнинг нарнги қирғоғида кўприкисимон иншоотлар бунёд этган бўлсаларда, немислар жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатмоқдалар ва биз ҳужумни тўхтатиб туришни лозим кўрдик. Бу ҳақда Конференцияда Бош штабимизнинг бошлиғи ҳисобот беради.

Сталин тин олди. Рузвельт маршал Узоқ Шарқ ҳақида гапиришни истамайди, деган фикрга келди. Ҳозирча у Европадаги аҳволни

—22—

шарҳлашни лозим кўрар. Сталин президентнинг кўнглидагини уқиб олгандай сўради:

— Ғарбий фронтда янма гаплар бор!

— Генерал-маршал бу ҳақда батафсил гапириб берадн. Ҳозирча шуни айтишим мумкинки, 8 февраль пайшанба куни чекланган тарзда ҳужум бошлаймиз. Кейинги ҳужум 1 ҳафтадан сўнг бошланадн. Германиянинг юрагига ҳужум эса 1 ойдан кейин бўладн.

Сталин ҳамсуҳбатига тикилиб туриб чертиб-чертиб гапирдн:

— Эшитганимдан... хурсандман. Совет қўшинлари адо этган ишларни америкаликлар эндигина рўёбга чиқармоқчи бўлганини бир-бирига таққослагандай қўшиб қўйдн:

— Армияларимиз Силезия ҳавзасини қўлга киритишди... Иттифоқчилар қўшинлари Рур ва Саар конларини забт этишса, Гитлер кўмир манбаларидан батамом

• *Донолар бисотидан*

Ота-она ва фарзандлар ҳақида

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча баландпарвоз мақтовлар ўғиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

● Ота-онага муҳаббат—барча яхши фазилатларнинг асоси.

ЦИЦЕРОН.

● Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

М. ГОРЬКИЙ.

● Бизнинг оналаримиз социалистик мамлакат гражданларидир: уларнинг ҳаёти ҳам оталар ва болалар ҳаёти сингари тўлақонли ва қувончли бўлмоғи лозим. Бизга оналарини тишини-тишига қўйдириб тарбияланган одамлар керак эмас. Онасининг азоби эвазига тарбия топган фарзандлар эксплуатацияга асосланган жамиятда яшашлари мумкин эди.

А. С. МАКАРЕНКО.

● Сен болаликдан она кўзларига боқиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, тинчлик ва ҳаяжонни кўришга ўрганмаган экансан — бир умрга ахлоқий жиҳатдан ногирон бўлиб қоласан. Севгидаги ёввойилик сингари ахлоқий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

● Кўрнамак ўғил ётдан ёмон. У жиноятчидир, чунки онага нисбатан эътиборсиз бўлишга ўғилнинг ҳаққи йўқ.

Г. МОПАССАН.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

А. НАВОИЙ.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз, болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

ФАЛЕС.

● Ўз фарзандларини бахтли қилишга интилувчи меҳрибон она кўп ҳолларда ўзининг тор қарашлари, калтабин мўлжаллари, кераксиз ғамхўрлик ва меҳрибончиликлари билан уларнинг қўл-оёғини боғлаб қўяди.

Д. И. ПИСАРЕВ.

● Ҳар бир она ўзига қараганда қизи яхшироқ эрга тегишига умид қилади ва ўғли ҳеч қачон отасидан яхши хотин ололмаслигига ишонади.

М. АНДЕРСЕН-НЕКСЕ.

● Ҳаётнинг муҳим вазнятларида ота-онанинг суянчиғи бўлиш ажойиб иш, бироқ уларнинг кўп икир-чикир ва бемаъни талаблари жонли, эркин, дадил истеъдодни бўғади.

А. С. ГРИБОЕДОВ.

ШАҲВА ОҚШОМИ

Яқинда Германия Демократик республикасининг Потсдам шаҳрида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилди. Турнирнинг бу ерда ташкил этилишининг рамзий маъноси бор. Шу ерда бундан қирқ йил муқаддам гитлерчиларга қарши коалицня қатнашчилари бўлган уч йирик давлат—СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларининг бошлиқлари йиғилишиб, иттифоқдошларнинг гитлерчилар Германняси устидан қозонган ғалабаси, Европада иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан боғлиқ муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилишган эди. Турнирда етти мамлакатнинг вакили бўлган 14 шахматчи иштирок этди.

ГДРдаги ХАЛҚАРО ТУРНИРДАН ҚАЙТГАЧ

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Постдамдаги шахмат турнирида бу сафар спорт проблемаси ҳал қилинди. Турнирда ҳамшаҳримиз, халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов ҳам иштирок этди. У 7,5 очко тўплаб, В. Ульман (ГДР)дан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Беллашувлар кескин ва муросасиз бўлди. Бунинг учун ўйналган партияларнинг 70 процентн дуранг билан якунланганлигини келтиришнинг ўзи кифоя. В. Ульманга 13 имкониятдан саккиз очко тўплаш осон бўлмади.

Немис шахматининг ветерани, халқаро гроссмейстер В. Ульман турнирда яхши ўйин кўрсатди. У бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади. Бош совринни қўлга киритиш билан ўзининг 50 ёшли юбилейига муносиб совға ҳозирлади. Шу ўринда унинг Германия Демократик Республикасининг бир неча марта чемпиони, бир неча халқаро турнирларнинг ғолиби, жаҳон шахмат тожи учун ўтказилган турнирларнинг қатнашчиси эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ғолибдан ярим очко кам тўплаган уч шахматчи 2—4-ўринларни бўлашиб олишди. Уларнинг орасида ҳамшаҳримиз Георгий Аъзамов, халқаро гроссмейстерлар ГДРлик Р. Кнаак ва болгариялик Н. Киров бор.

Турнир натижаларининг тиғизлиги билан эсда қолди. Халқаро гроссмейстерлар кубалик Г. Гарсиа, ГДРлик Л. Фогт, чехословакиялик халқаро мастер И. Штоль ет-титадан очко тўплашди. Мамлакатимизнинг яна бир вакили, халқаро гроссмейстер Валерий Чехов олти очко тўплади.

Потсдам шаҳрида ўтказилган халқаро турнир баҳслари маҳаллий матбуотда, радио ва телевиденнеда кенг ёритилди. Партиялардан бири —Георгий Аъзамов ва польшалик халқаро мастер Артур Сигульски учрашуви ниҳоятда мазмунли ва қизиқарли бўлди. Ўйлаймизки, бу партия оқшомхонларга ҳам маъқул бўлса керак.

Георгий АЪЗАМОВ—
(СССР)
Артур СИГУЛЬСКИ
(ПХР)

1. d4 d5 2. Kf3 Kf6 3. c4 c6 4. Kc3 dcg 5. a4 Cf5 6. Ke5 e6 7. f3 Cb4 8. K:c4 C5

Фарзин гамбити (славянча ҳимояланиш) усулларидан бири қўлланилади. 1981 йилда ўтказилган шахмат бўйича СССР 49-чемпионатида Георгий Аъзамов ва халқаро гроссмейстер Александр Беляевский партиясида ҳам воқеалар худди шундай ривожланган эдн. Худди ўша партияда бўлганидек, бу сафар ҳам оқлар фарзинларни алмаштириш ва ўзларн учун қулай имкониятга эришишга аҳд қилишди.

9. 1 cФ:11—10. Kp:11 C:c5 11. a4 Cc6 12. Kl 5 Ka6

Қоралар «с7» катагини ҳимоя қилишмоқда, аммо b7 катагида турган пиёдасидан маҳрум бўлишди. Тўғри, оқлар ривожланишда бир мунча орқада қолишди. Шунинг учун ҳам Сигульски вазиятдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

13. Kcd6+Kpe7 14. K:b7 Jhd8+

Энди қоралар оқ шоҳга етиб олиш учун ҳар қандай қурбонлар беришдан ҳам тап тортишмаяпти. 15. K:d8 Л:18+ 16. Kpe2 Kb4 17. Cd2 K:e4 18. C:b4 18... Cb5+ 19. Kpe! Kc2 мат бўлганлиги учун 18. fe мумкин эмас...

18... C:b4 19. f6 Ch5+ 20. Kpf2 Лd2+ 21. Kpg3 a6 (қораларда руҳ етишмаётган бўлишига қарамасдан шоҳнинг ноқулай аҳволдалигидан фойдаланиб ҳужумни давом эттиришмоқда. Бироқ, аниқ ҳаракатлар туфайли оқлар қораларнинг барча ҳужумларини бартараф этишди, энди ўз устунликларидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда).

22. Ka7 Ce5 23. Kc6+ Kpd6 24. Ka5 Cf2+ 25. Kpf4! (анниқ юриш танланди. 25. Kph3 бўлган тақдирда қоралар ажойиб ғалабага эришган бўлардилар. Унда воқеа шундай давом этган бўларди. 25... f5! 26. ef ef 27. Kc4+Kpe6 28. K:d2? Cg4 (мот!). 25... Лl4

25... Лd4 —бўлган тақдирда 26. Kpc5!, бўлади, филга тақдид қилган ҳолда «отни «с4» катагига юриш билан икки томонлама ҳужум уюштирилади.

26. g4 Cg6 27. Cg2 (27... Лd3 тақдирда 28. Kc4+Kpc5 29. Ла3! Kp:c4 30. cf1 ютуқ вазияти вужудга келади). Қоралар таслим бўлишди.

—23—

маҳрум бўлур эдн.

Сталин бетўхтов трубка чекар эдн. Рузвельт муштумидан ёниб бўлган сигаретани олиб ташлаб янгисини қўйди.

— Ғалаба яқинлигига ишончим комил,— деди у. —Биз конференцияда урушдан кейин Германиядаги маъмурият масаласини муҳокама қиламиз. Масала равшан, фақат Францияниинг оккупация зонасини қараб чиқмоқ лозим. Де Голль билан битимга келиш мушкул. Айтгандек, унга сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдим! Менимча у жуда ҳам ўжар.

— Мен одамларга ишига қараб баҳо беришга ўрганганман, —саволга чап берди Сталин.

— У бемаҳал Наполеон либосини кийиб олаяпти шекилли.

— Наполеон либосини дейсизми!—қошларини чимириб сўради Сталин ва мийиғида кулиб қўйдн. — Аслида бундай эмас. Агар муқоясага мойил бўлсангиз,

—24—

мен уни Жанна Д. Аркка қиёс қилган бўлардим.

Шундай деб у гапни бошқа ёққа бурдн:

— Бир нарса хаёлимдан фаромуш бўлибдн; ходимларингиз яхши жойлашдиларми!

— Жуда соз! —деди Рузвельт. Лекин президент андан кўнглидагига қараганда бошқача гапирдн: Фақат унинг хонасидагина алоҳида ванна бор. Америка делегациясининг бошқа аъзолари борига шукур қилишган, шу аснода майда-чуйда гаплар ҳам юрнб қолган эдн.

— Ҳаммаларн хурсанд, кўпчилик адмирал Кингга ҳавас қилишяпти, буни қарангки, унга малакасининг ётоқхонасини беришибдн. Эртага адмиралдан сўраб кўрсак жонз бўлар: эҳтимолки подшонинг арвоҳи ярим кечада ётоқхонага кирнб боргандир.

Бу қалтис ҳазил маршалга ёқмаганини президент дарров пайқади.

—25—

— Подшо ҳар кеча ётоқхонасини ўзгартирган, — деди қуруқ-қина қилиб Сталин. — Лекин бу уни халқининг қаҳрн газабидан асраб қола олмади. Айтишларича подшонн ҳар кунн эрталаб фақат бир жойдан, яъни ҳожатхонадан топиш мумкин бўлган... Хўш, Гитлерни қаердан топар экансиз.

Ҳамма бараварига кулиб юборди.

«Мен Сталиндан ўзимни қизиқтираётган масала хусусида, яъни Япония ҳақида сўрамасдан тўғри қилявпман чоғи. Ҳозир мавруди эмас».

Орага жимлик чўкди, сўнгра президент айтдики, руслар шарқдан шиддат билан ҳужум қилиб келаётган, Америка ва Англия қўшинлари эса ғарбдан бостириб келаётгани туфайли урушаётган армиялар штабларн ўртасида ҳар кунн алоқа боғлаш лозим бўлар. Сталин тўғри, шундай фурсат етилди, деб жавоб қайтарди.

—26—

Сўнгра маршал соатига қарадн:

— Чора кам беш, мажлисга боришимиз лозим...

...Яна Рузвельт кўз ўнгига конференция залн келди. Чорси хона, шифтларига саккиз бурчакли ганч нақшлари ўйилган. Юмалоқ столга оппоқ дастурхон ёзилган: унда Америка, Совет ва Англия байроқларн. Стол атрофида баланд, тик суянчиқли ўн еттита стул қўйилган. Уларнинг орқасида бир қадар кичикроқ стуллар бор. Бу жой делегацня раҳбарлари ёрдамчиларига ва маслаҳатчиларига мўлжалланган. Катта камнда палёнлар гувиллаб ёниб турибдн.

Ҳамма жой-жойига ўтиргандан кейин Сталин дедн:

— Конференциямизнн очишни президент Рузвельтдан илтимос қилсак...

«Ижнинимиз яхши бошланяпти!»

—27—

— деб ўйладн Рузвельт. Сўнг мажлис аҳлига мурожаат этдн:

— Жентельменлар, қонун-қоидалар билан ҳам, тарнх ҳукмн билан ҳам ушбу учрашувни очиш менинг зиммамга юкланмаган эдн. Ҳамонки, мен Техрон конференциясини очган эканман, бу ғирт тасодиф бўлган эдн. Шундай бўлса ҳам ушбу конференцияни бошлаб бернш зиммамга тушган экан, бунн ўзим учун шараф деб биламан. Менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Шароит кутганимиздан ҳам знёда. Биз кўп нарсаларга эришдик, жентельменлар. Биз бир-биримизни яхши тушуниб олишни ўргандик, энг асосийси ана шу туйғу ўсиб бормоқда. Биз

—28—

ҳаммамиз урушнинг тезроқ тугашини ва мустаҳкам тинчлик барқарор бўлишини орзиқиб кутмоқдамиз. Ана шу орзу-умнд жўш урнб турган бнр чогда бизнинг суҳбатимиз бошланмоқда. Яна бнр нарсани илова қилмоқчиман. Даъватим шуки, сндиқндл бўлайлик. Тажрибя кўрсатдики, рўйрострнк, ошкоралик бўлса биз тўғри натижаларга тезроқ эришамиз...

(Давоми бор).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.



Глизр номли музика интернатида ташкил топган «Нилуфар» вокал-чолғу ансамблининг ҳар бир чиқишини ёш томошабинлар қизғин қарши олишади. Тажрибали педагог А. С. Гродский раҳбарлик қилаётган ёш санъаткорлар мунтазам ўз репертуарларини бойитиб боришмоқда. Бугунги кунда ансамбль қатнашчилари ўз тенгдошлари ҳузурида катта концерт программаси билан чиқишаётир.

СУРАТДА: ёш санъаткорлар.

Т. Каримов фотоси.

Одамлар, одатлар

ҲАЖВИЯЧИЛАР АНЖУМАНИ

Биринчи жаҳон сатирик ва юмористлари анжумани Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Яқинда бўлиб ўтган бу анжуманда умуминсонийтни қизиқтирган масалалардан бири сатира ва юморнинг жаҳон халқлари тақдирига таъсири бош масала қилиб қўйилди. Бу ажойиб тадбирнинг ташаббускорларидан бири сатирик ва юмористлар олимпиясининг халқаро ҳаракати пионерлари ҳинд ёзувчилари бўлса, эмас. Чунки, юмор инсоннинг умрини чўзади, ҳаётини безайди. Юсуфжон қизиқнинг «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади» деган сўзида олам-олам маъно борда, ахир.

Ўша куни ҳиндлар дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонларни самимий кутиб олдилар, гулдасталар билан табрикладилар. Анжуманнинг кун тартибига қўйилган меҳмузу бутун ҳинд халқининг эътиборидан четда қолмади. Улар ҳаётидаги булутсиз осмонни сақлаб қолишда сатира ва юморнинг роли муносабати масаласида узоқ баҳс юритдилар. Сўзга чиқувчилар —кулги воситаси билан, долзарб муаммоларни айтиш ва одамларни ҳушёрликка чақиришда кулги —жанговар курашчи бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидладилар.

Инсоннинг инсонлиги унинг кулгисида намоён бўлади. Демак, кулги — ижтимоий ҳодиса, муаммо. Шунинг учун кулги таржимонлар бошқа халқ юморини ўз тилларига агдараётганида унга масъулият билан ёндошишлари керак. Ушбу фикрларни «Литературная газета»нинг «ДС» (дом смеха— кулги уйи) клубининг вакиллари ҳам ўртага ташладилар. Ёзувчи, юморист ва сатирик-лар бир-бирларининг ҳаётларини яхши билишлари учун сатира асарлари таржимаси билан кўпроқ шуғулланишлари лозим, деган таклифни анжуман қатнашчилари даричнн бўлиб Чарли Чаплин иштирок этган «Дўндиқ» фильми намойиш қилинди. Залдагилар ушбу фильмни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.

«Ҳайдароболнинг хайрли қалб ишлари» шиори остида ўтган анжуманнинг учинчи куни «Жаҳон халқлари ҳазиллари» деб номланиб, иштирокчиларнинг ҳар бири қатъий регламентга риоя қилгани ҳолда — икки ҳазил, латифа айтиб залда ўтирганларни хушнуд этиши керак эди. Натижада ҳар бир мамлакат вакиллари янги ҳазилларни ўз ён дафтарларига ёзиб олишлари мумкин бўлди. Анжуман давомида делегациялар тушган мажиналар —гоҳ карикатура кўргазмасида, гоҳ болалар учун ташкил қилинган қизиқарли виставкаларда, мимика ва шарж санъати кўргазма залларида бўлиб туришди.

Анжуманнинг ёпилиши муносабати билан Лалл Баҳодир Шастри номли стадионда адабий кеча бўлиб ўтди. Минбарлар лиқ тўла. Ҳаттоки ўйин майдонларига ҳам гиламлар тўшалган. Ана шу ерда ҳажв жанрига бўлган эҳтиёж, яъни кишиларга яхши кайфият бахш этадиган тилло табассумнинг келажаги порлоқ эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилинди.

Б. АМИНОВ,
тарнх фанларн кандидати.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
27 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 29. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 Мультфильмлар: «Филга совға», «Саккизоёқликлар», «Митя ва микробус».
10.40 СССР Давлат академик рус хорининг концерти.
11.30 «Саёҳатчилар клуби».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар: «Тундрада менинг постим», «Сувнинг тортиш кучи».
16.05 «Сен ҳам Россияда туғилгансан». Совет композиторларининг қўшиқларини СССР халқ артисти Л. Зикина ижро этади.
16.40 «Инсон — замин соҳиби».
17.40 «Ўсмирлар ижоди».
18.00 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
18.30 Футбол шарҳи.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 Халқ куйлари.
20.15 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 13-фильм —«Урушнинг сўнгги залплари». 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 13-фильм —«Урушнинг сўнгги залплари». 2-қисм.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». Туркумнинг очилиши. 1-симфония.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Жилолар оҳанги». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. В. И. Ленин революцион фаолиятининг бошланиши.
10.05 «Рус тили».
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Галактикалар.
11.35, 12.40 Физика. 7-синф. XI беш йиллиқда СССРда электрлаштириш.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Умумий биология. 8-синф. Одамнинг пайдо бўлиши.
13.40 Тарих. 7-синф. XVIII аср иккинчи ярмида маданият ва маориф.
14.10 Ботаника. 5-синф.
14.30 Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу.
15.00 «Дўстимга мактуб». Б. Горбатов асарлари саҳифаларида.
15.40 В. И. Лебедев-Кумач шеърлари ва қўшиқлари.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Тинч атом билан ёнма-ён». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 С. Соловейчик. «Иссиқ ўрин». Телеспектакль.
23.40 Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

17.30 Янгиликлар.
17.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Жасорат эстафетаси» (рус.).
18.25 Глиэр номли республика мусиқа мактаб-интернати ўқувчиларининг концерти.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.45 «Ахборот».
21.05 «Пилла — бойлигимиз».
21.20 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Давр, олға бос!» Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 «Хотирамда бир соат». Телефильм.
19.20 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида». Тошкент область юк ташиш автотрести.
19.50 «Немда қирғоқларида». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бўёқлар симфонияси». Телефильм.
21.00 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Ҳамма нарса — фронт учун» (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 30. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 13-фильм— «Урушнинг сўнгги залплари». 1-қисм.
10.50 Болалар фольклор коллективларининг концерти. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
11.30 «Ҳайвонот оламида».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.10 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
15.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.20 «Стадион ҳамма учун».
16.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Иванко ва подшоҳ Поганин».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.15 Сиёсий қўшиқлардан концерт.
23.15 «Владимир Коккинаки». Телефильм премьераси.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ижодиёт формуласи». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Физика. 10-синф. Физика ва илмий-техника революцияси.
10.05, 13.40 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Кинонинг ифодалаш воситалари. 1-кўрсатув.
11.35, 12.40 Физика. 8-синф. Механика ва ишлаб чиқаришни механизациялаш.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 География. 8-синф. Закавказье иқтисодий райони.
14.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «Карл Маркс таълимотининг тарихий тақдири».
14.40 «Жанубдан келган тачанка». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Онамларнинг мактаби».
19.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.15 «Бахт кулиб боққан одам». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ҳаммасига Залина айбдор». Телевизион бадиий фильм.
11.35 «Ватанимни шарафлайман». Музикали фильм.
12.35 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Хоҳламайман ва бўлмайман». Мультфильм.
18.25 «Май гуллари». Болалар бочкасида тарбияланувчилар ижро этади.
18.55 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Ўзбекистон Коммунистик партияси Улуғ Ватан уруши йилларида» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Д. Шостакович. «Мардлик достони», А. Понкиелли. «Жоконда» операсидан «Соатчилар рақси». Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчилари ижро этади.
20.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Байрам мушоираси». Адабий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Давр, олға бос!» Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 «Сизнинг севимли қаҳрамонларингиз». Болалар учун кинокўрсатув.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.00 «Заповедникларда». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 1. V

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 13-фильм —«Урушнинг сўнгги залплари». 2-қисм.
10.55 Халқаро конкурс лауреати Е. Саранцева чалади (фортепьяно).
11.15 «Москва — қаҳрамон шаҳар».
12.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 «Тинчлик. Меҳнат. Май». Совет шоирларининг шеърлари.
15.30 «Бир лаҳза қайрилиб боқ». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
16.35 «Дунё ва ёшлар».
17.10 «Омон бўлсак, кўрармиз». Телевизион бадиий фильм премьераси.
18.25 Мультконцерт.
18.55 Останкино концерт студиясида 1 Май байрам концерти.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 Халқаро конкурслар ва фестивалларда фахрий совриндорлари иштирокида эстрада кўрсатуви.
23.00 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». Телефильм.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.25 «Баҳор». Кинолавҳа.
9.35 «Москва Май оғушида». Совет қўшиқларидан концерт.
10.25 «Давлат Рус музейи». «Октябрь туфайли туғилган санъат».
10.55 Болалар учун фильм. «Қаердасан, Багира?»
12.15 «Дунёнинг олтидан бир қисми». Илмий-оммабоп фильм.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 «Буюк халқ ҳақиқати». 11-фильм —«Совет характери».
16.15 СССР Давлат академик Большой театри камер оркестрининг концерти.
16.40 Мультфильмлар: «Зангори коптоқ», «Қайиқча», «Қоқигул».
17.05 Ж. Бизе — Р. Щедрин. «Кармен-сюита».
18.05 Л. Леонов. «Ҳаётга таклиф». Фильм-спектакль.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Телефильмлар.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 Оперетта артистларининг концерти.

● ЎзТВ I

9.45 Тошкент. В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт, «Буюк образ». Ҳужжатли фильм.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ.

* * *

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Болалар учун. «Май қувончлари».
19.10 «Кичкинтойлар учун гул чамбарак», «Эчки Евсей ҳақида». Мультфильмлар.
19.30 «АХБОРОТ». МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ— 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
20.10 Байрам музикали программаси.
21.30 Москва. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Оқшом тушишига бор ҳали». Бадиий фильм.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Казаков филигранн». Телефильм.
18.30 «Етти қария ва бир қиз». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.50 «Қалбим маликаси». Музикали фильм.
21.05 «Чилангарга таъзим қил, баҳор». Телефильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 2. V

● МТ I

9.00 «Дунё воқеалари».
9.20 «Ғалаба куйи чалинмоқда». Фильм-концерт.
10.20 «Россия диёрим менинг». Телефильм.
11.00 «Кувноқ нотачалар». Ёш вокалистлар концерти.
12.00 «1 Майнинг чет эллик меҳмонлари».
12.15 «Цирк майдонида».
12.55 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан телефильм премьераси.
13.20 ЧССР, ПХР, БХР, ВХР, ГДР, РСР фольклор коллективларининг концерти.
13.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
15.50 «Бир лаҳза қайрилиб боқ». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
16.55 «Театрда, кино ва телевидениеда мусиқа».
17.50 «Крем-брюле». Мультфильм премьераси.
18.00 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти.
18.30 «Урушдан сўнг соат олтида». Бадиий фильм.
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Швейцария терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
21.45 «Время».
22.20 Ғалабанинг 40 йиллиги номли Бутуниттифоқ зарбдор отрядини беш йиллик қурилишларига кузатишга бағишланган ёшлар кечаси.
00.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Уссурий тайгаси». Илмий-оммабоп фильм.
9.50 В. Маяковский шеърлари.
10.25 «Жарангла, бандура».
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
11.55 «Баҳор қўшиқлари». Мультфильм.
12.15 М. Шолохов. «Улар Ватан учун жанг қилганлар».
12.30 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамблининг концерти.
13.00 Болалар учун фильм. «Жаноби олийлари, доим тайёр бўлинг!»
14.10 С. Гулак-Артемовскийнинг «Дунай ортидаги запорожьелик» операси.
16.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи». Болаларга бағишланган сони.
16.55 «Космонавтлар ерда туғилишади». Телефильм.
17.55 Останкино концерт студиясида кулги кечаси.
19.20 «Музикали мозаика».
19.50 Ҳужжатли фильм.
20.00 «Иво Линна». Фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ленин проспекти». «Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан.
21.05 СССР халқ артисти И. Моисеев раҳбарлигидаги СССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти.
21.45 «Время».
22.20 «Бугун — Янги аттракцион». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 Янгиликлар.
10.15 Ўзбекистонда XIV Бутуниттифоқ Болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг тантанали ёпилиши ҳамда мактаб ўқувчиларининг XI республика «Санъат байрами» конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
11.55 «Менинг азиз кишим». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.05 «Алла Пугачёва билан учрашувлар». Эстрада программаси.

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун. «Баҳор табассуми» (рус.).
18.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўртоқ қўшиқ». 2-кўрсатув. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Бутуниттифоқ кўриги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Омад тумори», «Солов». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
21.45 Москва. «Время».
22.20 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон санъат усталари ҳамда ижрочи ёшларининг концерти.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шаҳар фантазияси». Музикали фильм.
19.20 Болалар учун фильм. «Физкульт-ура!»
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
21.45 МТ II

ЖУМА, 3. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Камалак ортида», «Ҳаётда кимнинг омади бор». Телефильмлар.
10.15 «Будильник».
10.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.45 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Витославлицадаги сайил» (СССР).
12.15 «Фан ва техника». Киножурнал.
12.25 «Тонгги почта».
12.55 «Қишлоқ янгиликлари».
13.55 «Музикали киоск».
14.25 «Катта саргузашт». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 1-ва 2-сериялар.
16.55 «Саёҳатчилар клуби».
17.55 «Қанчадан-қанча йўлларни босиб...» Адабий-музикали композиция.
18.40 «Халқаро панорама».
19.25 «Вальс, вальс, вальс». Киноконцерт.
20.00 «Театр учрашувлари».
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
00.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Расмларда қуёш акси бор».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 Телефильмлар.
11.10 Г. Попов. 3-симфония.
11.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Иванко ва подшоҳ Поганин».
13.40 «Ҳайвонот оламида».
14.40 Эстрада концерти.
15.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
15.40 «Ҳужжатли экран».
16.30 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». В. И. Соловьёв-Седой.
17.15 Мультфильмлар: «Май—уста», «Ғаройиб машина ва уришқоқ қирол».
17.30 «Мен Ватанимни куйлайман». Концерт.
17.55 «Дунё ва ёшлар».
18.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.05) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.00 Концерт.
21.30 «Время».
22.00 «Қизғин кунлар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Дебют». Ёш хонандаларнинг телевизион конкурси. М. Ёқубова, Х. Ҳасанов.
11.05 Болалар учун фильм. «Биринчи концерт».
11.35 «Сен баҳорда туш бўлиб кирдинг». Музикали фильм.
12.05 «Сув париси». Бадиий фильм.
13.25 Р. Ёриев. «Сеҳрли бошоқ». А. Навоий номли Наманган драма ва комедия театрининг спектакли.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёш сеҳргарлар». Янгийўл шаҳар болалар цирк коллективининг чиқиши.
19.00 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** Ойбек. «Фронт бўйлаб».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Синган тақа». Бадиий фильм.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Забайкальеликлар». Телефильм.
18.50 «Билмасвой-рассом». Мультфильм.
19.10 «Қўшиғимсан, Қозоғистон». Фильм-концерт.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 4. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Новосибирск телевидениеси ва радиоси рус халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.10 «Сатрларда инсон қалби...» Шеърий композиция.
11.05 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.35 «Правда» газетасининг сўзи». Ҳужжатли фильм премьераси.
11.55 «Қўшиқ инсон билан қолади». «Номсиз тепаликда».
12.45 «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан Ҳарбий-Денгиз флоти ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
13.00 «Тасвирий санъат». Шарҳ.
13.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.10 «Дўстларимиз чеҳраси».
15.00 «Коммунистик шанбалик кундалиги».
15.15 «Дадамга нима бўлди?» Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР).
16.30 «Карл Маркс. Олим, революционер, инсон». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.20 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.50 Эфиопиянинг бугунги куни ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
18.45 «Коммунистик шанбалик кундалиги».
18.55 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурсининг якунловчи концерти.
21.30 «Время».
22.15 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Твардовский.
22.35 Қозоғистон ССР халқ артисти А. Днишев ҳамда МТ ва БР академик халқ чолғу оркестрининг концерти.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Мулоҳаза учун ахборот». Илмий-оммабоп фильм.
9.50 ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.25 «Тонгги почта».
11.50 К. Паустовский. «Жулдир шинелли чол».
12.40 СССР халқ артисти Е. Образцова концерти.
13.30 «Кинопанорама».
15.15 Ёзги спорт мавсумининг очилиши ҳақида В. И. Ленин номли Марказий стадиондан репортаж.
15.30 Футбол бўйича ўртоқлик учрашуви. Москва — Ленинград терма командалари.
16.20 Ўсмирлар учун музикали программа.
18.30 «Суворов». Бадиий фильм.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.15 «Буғу ови». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Пудрат синови». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
10.40 «Ҳамдўстликнинг қудратли кучи». Ҳужжатли фильм.
11.25 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
11.40 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** Отаёр. «Мангулик».
12.00 «Ажойиб тақдирли фильм». Илмий-оммабоп фильм.
12.20 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
12.55 «Халқ оғзаки ижоди». Халқ бахши шоирлари телевизион конкурси.
13.55 Коммунистик шанбалик кундалиги.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Флоричата».
18.25 КПСС МК апрель (1985 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Заминга содиқ қол» (рус.).
18.45 «Театр учрашувлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Табиат сирлари». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Ҳам маҳорат, ҳам илҳом». Телекўрсатув (рус.).
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.20 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғимиз, парвоз эт».
18.35 «Офтобжон учун ёстиқча». Мультфильм.
18.45 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.00 «Новости».
19.15 Концерт.
20.00 «Ахбор».
20.15 «Ижод саҳифалари». Мирзо Турсунзода.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 5. V

МАТБУОТ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Буратино кўргазмаси».
10.20 «Спортлото»нинг 18-тираж.
10.30 «Украин халқ рақслари гулдастаси».
11.00 «Мактаб остонаси ортида». Телефильм.
11.50 В. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 9-концерт.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар.
16.20 «Рус тили».
16.55 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.55 МТ ва БР электрчолғулари концерт ансамблининг чиқиши.
18.25 «Сиз яратган боғ».
18.55 Мультфильмлар: «Беқарор, Мякиш, бундай эмас», «Лось боласи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Матбуот куни».
20.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Маршал Жуков. Биографияси саҳифалари». Ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.15 БХР, ГДР, ЧССР артистлари иштирокида оқшом тароналари.
23.00 Гжель усталари ҳақида телефильм.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Гул солиб ишланган портрет». Телефильм.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Болтиқбўйи иқтисодий райони.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Кинонинг ифодалаш воситалари. 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 География. 5-синф. Ер шарининг географик қобиғи.
12.05 Н. Асеев поэзияси.
13.10 Совет тасвирий санъати. «Жасорат солномаси».
14.10 А. П. Бородин музикасида паҳлавонлар образи.
14.45 «Сатрларда инсон қалби...» Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция.
15.40 «В. И. Ленин — журналист ва редактор».
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ритмик гимнастика.
19.15 Ҳужжатли фильм.
19.25 Ўқитувчига музика сабоғи. 6-синф. 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Мангу ҳаракатда». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Витославлицадаги сайил» (СССР).
21.30 «Время».
22.15 «Оққўнгил». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар
18.10 Болалар учун. «Бойчечак».
18.40 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги».
19.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Мангу олов». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун — Матбуот куни». «Партиявий, халқчил...»
20.30 «Ахборот».
20.50 Матбуот ходимлари учун концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Оқ олтин»дан эртаги ҳосил учун».
22.30 Матбуот кунига. «Оҳиста ишловчи портлагич». Бадиий фильм.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.20 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Экран — болаларга. «Пластилин олақарға».
18.15 «Журналистчасига ростгўйлик билан». Телефильм.
18.40 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** «Солдат ва қўшчи».
19.05 «Алатоо». Телевизион информацион программа.
19.15 Ўш кўрсатади.
19.45 «Бугун — Матбуот куни». Концерт.
20.15 «Алатоо». Телевизион информацион программа.
20.25 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига.** Оқин Т. Уметалиев.
21.30 МТ II

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЖИГУЛИ» ВАЗ-2105, ВАЗ-2107, ВАЗ-2104, ВАЗ-21063 МАРКАЛИ ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАРНИ

ПАСПОРТ КЎРСАТИБ СОТИБ ОЛИШГА

РУХСАТ БЕРИЛДИ

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАРНИ «АВТОВАЗТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ»НИ Н Г ОБЛАСТЛАРАРО МАРКАЗИ МАГАЗИНЛАРИ ТАРҚАТАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).



«ГАНГА»

ЧОРЛАЙДИ

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН УЛУҒ АЙЁМЛАР—БИРИНЧИ МАЙ ВА ҒАЛАБА КУНИ ҲАММАМИЗНИ СОВҒАЛАР ТАНЛАШ МАСАЛАСИДА ҲАЯЖОНЛАНТИРМОҚДА.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ИККИНЧИ, ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА, ҲИНДИСТОН МОЛЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИН ТОШКЕНТЛИКЛАРГА ВА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИГА ТИКУВ БУЮМЛАРИ, БИЖУТЕРИЯ, СОВҒА БУЮМЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Шакл жиҳатдан ранг-баранг ишланган ўзига хос кўзалар, вазалар диққатни жалб этади. Улар чинни ва металдан ишланган.

Агарда совғалар аёл кишига тақдим этилиши лозим бўлса, бу борада шубҳаланманг. Асл навли ва чала асл тошлардан ҳамда ёғочдан ишланган маржонлар уларга манзур бўлиши турган гап.

Бундан ташқари сотувга хўжалик ва театр сумкалари, ҳамёнлар, металл ва суякдан ишланган нафис буюмлар сотувга қўйилади.

Магазиннинг иш тартиби узайтирилганлигини эслатиб ўтамиз.

Эндиликда «Ганга» соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус 14.00 дан 15.00 гача. Душанба—дам олиш куни.

Транспорт: 38, 43, 65э, 100э-автобуслар, 1, 2, 4, 7, 21-троллейбусларнинг «Ганга» бекати.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IV да **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Кучликованинг** ижодий кечаси (17.00). **Тошкент** хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти (19.30). 28/IV да **Тошкент** хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти (12.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да Ўғрини қароқчи урди.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09219. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.